# МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА БАНДЛИК МУАММОСИ

Ишсизликка ижтимоий ҳодиса сифатида баҳо беришда табиат томонидан ҳар бир инсонга инъом этилган талаб ва эҳтиёжлар йиғиндисини, меҳнат қилиш қобилиятини ҳам эътиборга олиш зарур. Ғарб социологларининг берган баҳосига кўра, ҳатто демократик жиҳатдан ривожланган ҳар қандай жамиятда одамлар бир хил ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлиши билан бирга, самарали меҳнат қилишнинг эҳтиёж ва имкониятлари жиҳатидан бир-биридан фарқланишади. Қобилиятли, ташаббускор, шижоатли ва ҳ. имкониятларга эга бўлган кишилар мавжуд жамият таркибининг атиги 5 фоизини ташкил қилар экан. Чекланган эҳтиёж ва қобилиятга эга бўлган, боқимандалик кайфиятидаги кишилар замонавий жамиятларда 25 фоизга тенг бўлиб, жамият аъзоларининг қолган қисми ушбу «қитъа»лар орасида жойлашар экан. Албатта, одамлар қандай эҳтиёж ва имкониятларга, қобилиятга эга бўлишидан қатъи назар уларнинг ҳар бири қонун олдида тенгдир ва жамиятда шаклланган маънавий-ахлоқий муҳитга бўйсиниши шарт. Бу ҳуқуқий-демократик ва фуқаролик жамиятининг асосий шарти ҳисобланади.

Умуман олганда, ғарб иқтисодчиларининг таъкидлашича, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ҳисобидан ишсизлик даражаси 4 фоиз атрофида бўлса, бу нормал ҳолат, деб қабул қилинган. Шу билан бирга, тараққий этган давлатларда бандлик даражасини ҳисобга олиш, ишсизларни вақтинчалик нафақалар билан қўллаб-қувватлаш ва ҳоказолар тизими шаклланган бўлиб, бу борада кўп йиллик тажриба мавжуд. Энг муҳими, уларда реал меҳнат бозори шаклланган ва бозор иқтисодиётининг бош талабидан келиб чиқиб, ишчи кучи товарга айлантирилган. Яъни ишчи кучи унга бўлган талаб ва таклифдан, машғулот турлари ва шакллари бўйича мақсаддан келиб чиқиб меҳнат бозорида тақсимланган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам шу йўлдан борилмоқда ва меҳнат бозорини вужудга келтириш учун керакли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тўғри, ушбу масалада Ўзбекистон контексти ўзига хос хусусиятга эга, яъни аҳоли таркибида ёшларнинг кўплиги (деярли 60 фоиз), айрим ҳудудларда аҳолининг зич жойлашганлиги (масалан, Андижон вилоятида ҳар бир кв.км.га 500 кишидан ортиқ аҳоли тўғри келади), қишлоқда меҳнат захираларининг ортиқчалиги ва бошқалар республикада аҳолини иш билан таъминлаш муаммосининг ечимини топишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Лекин бундан хавфсираб, фақат ижтимоий оқибатларни ўлчаш билангина шуғулланиш нотўғри йўлдир. Балки, бандлик муаммосига табиий жараён сифатида қараб, унинг ечимини топишда кўп соҳаларда бўлгани каби ўзига хос йўлни танлашимиз зарур.

Муҳими, юртбошимиз таъкидлаганидек, одамларнинг бир қисми ишсиз қолса, қашшоқлар кўпайиб кетади, деган нотўғри

### Долзарб мавзу

тасаввурдан халос бўлиш пайти келди. Меҳнат бозори бўлмаса, ишчи кучи товарга айлантирилмаса, бозор муносабатлари тўғрисидаги гап-сўзлар оғизда қолиб кетади.

Маълумки, аҳолини иш билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ушбу тизимда реал меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишига ўз меҳнати билан оиласининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берадиган шароитни яратиш бўйича бир қанча давлат дастурлари қабул қилинган. Меҳнат бўйича ҳозирги давлат сиёсатининг асосини меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлашнинг қуйидаги йўналишлари ташкил этди:

кўп укладли мулкчиликка ва бозор иқтисодиётига асосланган меҳнат бозорини шакллантириш, давлат ва нодавлат тизимлари маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта тузиш ва шунга кўра меҳнат захираларини тақсимлаш;

ишчи кучига эҳтиёж ва унга бўлган талабни иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солиш;

ишсизларнинг ва меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган аҳоли табақаларининг (касб-ҳунарга эга бўлмаган ёшлар, болали аёллар, ногиронлар ва бошқалар) ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун махсус тадбирларни кўриш;

ишчи кучи сифатини ошириш (касбга ўқитиш, қайта ўқитиш, малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш), аҳолининг иқтисодий фаоллигини ривожлантириш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш.

Шу мақсадда, ишчи кучини, тез ўсиб бораётган меҳнат захираларини иш билан таъминлаш ва уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш учун меҳнатталаб ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти тўхтаб қолишдан асралди ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга аҳамият берилди, яъни республикамизда иш билан тўла бандлик сиёсати олиб борилмоқда.

Ҳар йили, асосан қишлоқ жойларда - аҳолининг қўшимча ўсиши юқори бўлганлиги туфайли -350 мингдан ортиқ иш жойи яратилади. Мамлакатдаги ишсизликнинг статистик (расмий) кўрсаткичлари катта эмас - 0,5-0,6 фоиз. Бироқ бу кўрсаткичлар, биринчидан, банд бўлмаган аҳолининг фақат ишсиз сифатида расмий равишда меҳнат биржаларида рўйхатга олинган тоифасинигина акс эттиради. Иккинчидан, ушбу кўрсаткич тўққиз йил ичида уч маротаба ортди (1999 йилда рўйхатга олинган ишсизлар сонига 5 мингдан зиёд киши қўшилди).

Шунга қарамай, яширин ишсизлик даражасини аниқлашнинг халқаро методологияси асосида ўтказилган тадқиқотларга кўра Ўзбекистонда яширин ишсизлик йилдан-йилга камайиб бормоқда. Масалан, 1997 йилда бу кўрсаткич қарийб 10 фоизни ташкил этган бўлса, 1999 йилда у 6,8 фоиз даражасига тушди. Шу билан бирга, ҳеч қандай давлат рўйхатидан ўтмаган, бироқ, бирон-бир меҳнат фаолияти билан машғул бўлиш ҳодисаси республикада кенг ёйилган. Масалан, 1998 йилда тадбиркорлик билан шуғулланаётган 82 минг жисмоний шахс ўртасида ўтказилган сўровлар улардан 30 фоиздан ортиқроғи солиқ идоралари рўйхатидан ўтмаганлигини кўрсатди. Айрим ҳудудларда бу кўрсаткич ўртачадан анча юқорироқдир (Хоразм вилоятида. - 40,4 фоиз, Тошкент шаҳрида. - 38,8 фоиз, Фарғона вилоятида - 37,9 фоизни ташкил қилди.). Албатта бу ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади, лекин бу турдаги фаолиятлар яширин иқтисодиётнинг асосини ташкил қилиб, давлатга зиён етказиши муқаррардир.

Умуман олганда, жаҳон амалиёти ва Ўзбекистоннинг ўзига хос шарт-шароитлари бандлик масаласини ҳал қилишдек масъулиятли вазифани кичик ва ўрта бизнеснинг (КЎБ) ривожланиш истиқболлари билан чамбарчас боғлиқлигини тасдиқламоқда. 2002 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистонда 201,9 минг КЎБ субъектлари рўйхатдан ўтган, улардан 34,2 минги 2001 йилда қайд этилган. Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг мамлакат ЯИМда (удельный вес) ўтган йил давомида 31 фоиздан 33,8 фоизга етди (деҳқон хўжаликларисиз - 21,6 фоиздан 24,4 фоизга). Фаолият кўрсатаётган КЎБ субъектлари республика аҳолисининг ҳар 1000 киши ҳисобига 6тадан 7,1тага етди, натижада 372 минг янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу кўрсаткич 2000 йилдагидан 180 мингтага кўпдир. Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётида банд бўлган одамларнинг қарийб 60 фоизи КЎБ субъектларида фаолият кўрсатмоқдалар. Ушбу рақамлар ишсизлик муаммосининг ечимини топишда тадбиркорликнинг имкониятлари чексиз эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган фикрлар юзасидан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон учун ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ҳатто ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам буни тасдиқламоқда.

Ялпи аҳолини иш билан таъминлашга интилган собиқ иттифоқнинг тажрибаси жамиятда боқимандалик иллатининг келиб чиқишига олиб келди. Моддий манфаатдорлиги йўқ, мулкий муносабатлар юлиб ташланган бу даврда иқтисодиётнинг табиий ривожланиш хусусиятлари инкор этилди.

Энг асосийси, ишсизликка реал қараб, уни ҳар қандай жамият учун табиий ҳодиса сифатида эътироф этиш унинг хавфли жиҳатлари ва кўринишларига барҳам бериш имкониятини беради.

Немис иқтисодчиси Вернер Зомбарт иқтисод, бу маданиятдир, деб таъкидлаган эди. Шарқона ҳаёт тарзи, аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ахлоқий нормалар бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Шунинг учун жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар ана шу қадриятлар тизими таъсирида бўлса, шаклланиб бораётган иқтисодий маданиятимизнинг юксалиб боришига ва охир оқибат вужудга келаётган муаммоларни ўз вақтида эҳтиросларсиз маданий ечимини топиш имконияти ошиб бораверади.

**Шавкатжон РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

(Охири. Боши газетанинг 155-сонида).





Жарқўрғон туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалигида бу йил ғалла ва пахта ҳар қачонгидан ҳам эрта етилди. Ширкат хўжалигида 1725 гектар суғориладиган майдон бўлиб, шундан 760 гектарида «Оққўрғон-2» навли пахта етиштирилди.

Хўжалик далаларида шу кунларда 102 нафар оилавий пудратчи шартнома асосида меҳнат қилмоқда.

***Суратларда: теримчилар Раъно ва Хуршида Жавлиевалар; бош пудратчи Тожибой Сувонов.***

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

### *Истиқлол шарофати*

Фарғонадаги«Ўзсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида 40 турдаги эркаклар, аёллар ва болалар пойафзали ишлаб чиқарилади. Корхона маҳсулотлари сифати жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бераётганлиги боис, буюртмачиларнинг

# «UZSALAMAN»НИНГ 40 ТУРДАГИ ПОЙАФЗАЛИ

сони кескин ортиб бормоқда. Ҳозирда «Ўзсаламан»нинг Новосибирск, Омск шаҳарларида савдо марказлари доимий фаолият кўрсатмоқда. Москвада жаҳон савдо ярмаркасида корхонанинг алоҳида ўз ўрни бор.

— Ушбу йилнинг биринчи ярмида 108 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни хориждаги ҳамкорларга сотдик, - дейди корхона раҳбари Қодиржон Солиев. — Яқинда Афғонистоннинг «Камгар» фирмаси билан ҳамкорликда Мозори Шариф шаҳрида «Ўзсаламан-Камгар» қўшма корхонасини бунёд этиш ҳақида келишиб олдик. Ушбу йилнинг охирларида эса у ўз маҳсулотларини бера бошлайди.

Айни кунларда жамоа ишлаб чиқараётган пойафзаллар ички бозоримизда ҳам ўз ўрни, нуфузига эга. Мамлакатимизнинг турли вилоят ва шаҳарларида корхонанинг 15 та фирма дўкони фаолият кўрсатмоқда. Ушбу йилнинг ўтган 6 ойи давомида 1 миллиард 266 миллион 931 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Яқин орада эса Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида «Ўзсаламан»нинг филиали очилади. Бу ҳам унинг ички бозордаги улушини янада кўпайтиради.

— Қўшма корхонамизда 500 нафар киши меҳнат қилади, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Одилжон Содиқов. — Уларнинг 366 нафарини аёллар ташкил этади. Маъмурият билан ҳамкорликда ишчиларимизга қулай шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Иш ҳақи ўз вақтида бериляпти. Айни кунларда ўртача иш ҳақи 35 мингдан ошмоқда.

Корхонада бўлганимизда у ерда ишни ташкил қилиш чет эллик ҳамкорларнинг тажрибаси асосида олиб борилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Меҳнат жамоаси тўлиғича бир пайтда меҳнат таътилига чиқар экан. Бу ҳол ишлаб чиқариш ҳажми пасайишининг олдини олиш билан бирга, дастгоҳларни мукаммал таъмирлаб олиш имконини берар экан. Ходимлар ошхонаси табиий гуллар ва манзарали кўргазмалар билан безатилган, корхона ҳисобидан бепул тушлик ташкил этилган.

Шунингдек, ишчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун Фарғона туманининг сўлим Водил қишлоғида дам олиш Уйи ташкил қилинган. Ушбу йилнинг олти ойи давомида 40 нафар ишчи-ходим «Чимён», «Темирйўлчи», «Рапқон», «Ўзбекистон», «Зилол», «Арсиф» сиҳатгоҳларида ўз саломатликларини тиклаб қайтишди. Ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини доимо назорат қилиб туриш учун вилоят кардиология маркази билан шартнома имзоланган.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан эса корхонада ишлаган кекса пойафзалчилар, нафақахўрлар, меҳнат фахрийлари ҳолидан доимо хабар олиб турилибди. Уларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзандларига суннат тўйи қилиб берилди. Тўйболаларга бошдан оёқ кийим-кечак ва улар номига очилган ҳисоб-рақамларига 25 минг сўмдан пул ўтказиб берилди. Шу каби хайрли тадбирлар учун 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

**Мўйдинжон СОБИТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ТАНЛОВ ВАШИНГТОНДА ЯКУНЛАНАДИ

***Бухоро вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида 1986-1987 йилларда туғилган, инглиз тилига қизиқувчи мактаб, лицей, коллеж ўқувчиларининг ҳудудий танлови бўлиб ўтди. Бу ерда Бухоро ва Навоий вилоятидан келган 600 нафар ўқувчининг инглиз тили бўйича ёзма ва оғзаки билимлари синовдан ўтказилди.***

*Тест синовларида юқори натижаларга эришган иштирокчиларнинг жавоблари ҳамда иншолари Вашингтонга - Америка Халқаро таълим кенгаши қароргоҳига юборилади. Ғолиблар келгуси йилнинг май ойида маълум бўлади. Улар 2003 ўқув йилини АҚШдаги таълим даргоҳларида бошлайди.*

*Ўтган йили шундай нуфузли тадбирда ғолиб чиққан 75 нафар ўзбекистонлик ўқувчи айни пайтда АҚШда таҳсил олмоқда.*

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

### *Бор бўл, оқибат!*

***Икромжон тушлик қилгани дастурхонга эндигина ўтириб, пиёладаги чойга қўл узатган эди ҳамки, ўт ўчириш машина чинқириғидан хушёр тортди. Хўжалик хонадонларининг бирига ўт кетганлигини раис дарров англади. У кўчага отилди. Йўловчилардан бири Жўрахон Турдиалиеванинг хонадонида ёнғин чиққанлиги хабарини берди...***

# ОТАЛАР ДУОСИ

Раис бошлиқ ёрдам гуруҳи хонадонга етиб келганда аланга уйнинг томи узра ўрларди. Ўт ўчирувчилар эса олов ва тутун қаърида тилсиз ёв билан олишардилар. Дўрмон маҳалласидагилар ҳам қараб турмай, биров челак билан оловга сув сепар, биров ёнаётган буюмларни ташқарига таширди. Жўрахон опа эса тақдирга тан бергандек бошини чангаллаганича, сўрида, тахта устида ўтирарди.

Ниҳоят ёнғин жиловланди. Кўп ўтмай Бўз туманидаги «Озод» ширкат хўжалиги бошқарувининг фуқаро Жўрахон Турдиалиева хонадонига моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарори чиқди. Унда ширкатга қарашли теракзордан янги уй қуриш учун 20 та уйбоп терак, зарур миқдорда маблағ ажратилганлиги баён қилинганди.

Ширкатда кам таъминланган оилалар, етимесирлар, боқувчисини йўқотганлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва пул маблағлари билан ҳомийлик ёрдами кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Шу кунларда хўжалик аъзоларининг 5 нафар фарзанди ширкат маблағи билан олий ва ўрта ўқув махсус юртларида таҳсил олмоқда. Байрам ва бошқа маросимларда эҳтиёжманд фуқароларга 5 миллион сўмлик моддий кўмак берилди. Янги буғдой ҳосилидан 800 тонна ғалла оилаларга бепул тарқатилди.

Ҳудуддаги гимназия, мактабнинг 70 ўринли 2 та синфхонаси жамоанинг маблағи эвазига таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, ҳар бири 140 ўринли 2 та болалар боғчаси қурилиб ишга туширилди. Хўжалик аллақачон иқтисодий юксалиш йўлига чиқиб олган. Жорий йилда 345 гектар ғалла майдонининг гектаридан 72 центнердан буғдой йиғиштириб олиниб, ялпи ҳосил 300 тоннага яқинлашди. Шартномадан ошиқча етиштирилган 70 тонна буғдой захирага, фуқаролар эҳтиёжи учун қолдирилди.

Шу кунларда хўжаликда пахта йиғим-терими авжида. Жамоа шартномасида белгиланганидек, теримчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни ижтимоий ва иқтисодий томондан муҳофаза қилишга катта эътибор берилган. Ширкат хўжалиги бошқаруви ҳамда касаба уюшма қўмитаси қўшма қарори билан мавсум илғорларини мукофотлаш учун бир миллион сўмлик маблағ ажратилган. Йиғим-теримнинг ҳар беш кунида меҳнаткашларга даланинг ўзида иш ҳақи берилмоқда. Шийпонда бепул иссиқ овқат ташкил этилган, болалар ва оналар дам олиш хоналари ишлаб турибди, тиббий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Пешқадамлар ҳам қимматбаҳо совғалар билан сийланмоқда. 60 центнерлик марра учун курашаётган Исмоилжон Йўлчиев бошлиқ ижарачилар оиласининг ҳар бир аъзоси «беш кунлик»да 30 минг сўм атрофида иш ҳақи олаяптилар.

И.Маматовни идорада, ҳозиргина дала айланиб қайтган пайтда учратдик. Кўкрак чўнтагига қистирилган «барака» пахта чаноғига кўзимиз тушди. Қизиқишимизни пайқаб ўзи гап очди:

— Ижарачи Қурвонали Қодиров пайкалидан келаётгандим. Каттаю кичик пахтазорда этак боғлаб теримга баҳоли қудрат кўмаклашмоқда. Қариялардан Мамат ота, Санталат аяларни шийпонда учратдим. Отахон, онахон қўшалоқ чаноқни кўкрагимга тақиб, илойим ширкатимиз, туманимизнинг ютуқлари қўшалоқ бўлсин, деб дуога қўл очдилар.

**Р. СОБИРОВ.**

### *«Ишонч» фош этади*

# КИМ КИМНИ АЛДАЯПТИ?

Баъзан сотувчи йўл қўйган оддий хато текширувларнинг чуқурлашувига сабаб бўлади. Шаҳрисабз туман «Шарбат» хусусий фирмасига қарашли дўкон сотувчиси Зайниддин Ҳидоев ўша куни 26,4 минг сўм савдо пулини назорат касса машинасидан ўтказиб, харидорга чек берганида олам гулистон эди. Лекин у бундай қилмади.

Текширув давомида савдога қўйилган 232 минг сўмлик спиртли ичимликларнинг кирим ҳужжатлари йўқлиги, 20 миллион 247,4 минг сўмлик спиртли ичимлик фирма раҳбари Баҳром Шодиевга чиқим қилинганлиги, лекин бу пул банк муассасаларига топширилмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан дарҳол баённома тузилиб, қонуний чора кўриш учун тегишли идораларга юборилди.

Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтган ойларда турли йўналишлар бўйлаб текширувлар ўтказиб, қатор ҳуқуқбузарликларни фош этдилар. Давлат бюджетига 14 миллион 427,2 минг сўм қўшимча солиқ ва йиғимлар ҳисобланди. Ҳуқуқбузарликка йўл қўйган фуқароларнинг 5 нафари устидан жиноят иши қўзғатилди, иккита яширин цех фош этилди, 85 нафар қонунбузарга нисбатан 1,5 миллион сўм маъмурий жарима қўлланилди.

Яқинда Қарши шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини текшираётиб, «Осиё» тижорат бозорида фаолият кўрсатаётган тадбиркор фуқаро Умидилло Зиёдовга дуч келдилар. У ҳисоб фактурасиз ва сертификатсиз 42 турдаги автомобил эҳтиёт қисмлари ва радио-техника товарлари билан очиқ савдо қилаётган экан. Рейд қатнашчилари бу ҳолат ҳукумат қарорига зид эканлигини тушунтирдилар ва савдога қўйилган товарларни далилий ашё сифатида олиб қўйдилар. Умуман, ўтган ойларда вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган 1400 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда уларнинг шоҳобчалари текширувдан ўтказилиб, 1326 ҳолатда қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар ижросини таъминлаш йўлида ҳам тизим ходимлари фаол ҳаракат қилмоқдалар. Бугунги кунда шаҳар ва туман солиқ хизмати ходимларидан 21 нафари бевосита инкассация бўлимларига бириктириб қўйилган бўлиб, улар инкассаторлар билан ёнма-ён назорат ишларини олиб бормоқдалар.

Вилоятимизда инкассация жадвалига киритилган 1827 та субъект фаолият кўрсатаяпти. Кейинги кунларда улар сони 12 тага ошди. Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш юзасидан ўтказилаётган текширувлар давомида 52 ҳолат бўйича 40,5 миллион сўм назорат касса машинасига кирим қилинмаганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Ҳукумат қарорларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида уларни плакат тарзида чоп этиб, аҳоли гавжум жойларга қўйдик. Бозорлардаги радиоузеллар орқали қарорлар матни билан сотувчи ва харидорларни мунтазам таништириб бораяпмиз, солиқчиларнинг шарҳларини ташкил этаяпмиз. Бундан ташқари маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда солиқ хизмати ходимлари билан солиқ тўловчиларнинг юзма-юз учрашувлари, «Энг интизомли солиқ тўловчи»деган ном учун кўрик-танловлар ўтказилаяпти.

Яқинда «Самарқанд» маҳалласида ҳукумат қарорлари тарғиботига бағишланган катта йиғин бўлди. Унда Қарши шаҳридаги 62 та маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этдилар. Солиқ қонунчилигига оид саволлар кўп бўлди. Уларга вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нурмат Жўлибеков, Қарши шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Фурқат Ражабов ва бошқа мутахассислар жавоб қайтардилар.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ўтган ойларда республикамиз ҳудудига импорт товарлар олиб келиб, улгуржи савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга товарлар ва уларнинг реализациясини ҳисобга олиб бориш китобини ҳамда импорт товарларини улгуржи сотишда қўлланиладиган ҳисоб-варақ фактураларини тайёрлаб берди. Ушбу қайд китоби ва ҳисоб-варақ фактуралари инспекцияларда қатъий рўйхатда турувчи жисмоний шахсларга етказилди.

Шунга қарамай, айрим тадбиркор ва тижоратчилар амалдаги қонун-қоидалар асосида иш юритишмаётганлари ажабланарлидир. Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан шаҳар ва туман давлат солиқ инспекциялари ўтказаётган рейд ва текширувлар давомида кейинги тўрт ой ичида чет элларда ишлаб чиқарилган ва мамлакатимизга ноқонуний йўллар билан олиб келиб сотилаётган 84 миллион сўмлик товарлар белгиланган тартибда олиб қўйилди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан 3,7 миллион сўм маъмурий жарима қўлланилди. Агар тадбиркорлик фаолияти билан ҳалол шуғулланилса, бундай жарималар солинмасди, топилган даромад ёнларига қоларди.

**Қурбон ОЛЛАЁРОВ,**
**Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи.**

Авлодларга қолган сатрлар

Сафар Барноев

# БАҒРИНГДА БИР СИҚИМ ТУПРОҚМАН, ВАТАН

*Ўзбекнинг бошидан ўргулсанг арзир,*
*Ўта кечиримли,*
*Ўта содда дил.*
*Бир умр ўқиган андиша дарсин.*
*Ўзбекнинг бошидан ўргулсанг арзир.*
*Арзир.*
*Остонасин тавоб айласанг,*
*Унинг юрагида ухлайди арслон.*
*Ишончин йўқотсанг,*
*Агар айнисанг,*
*Кўзига қорайиб кўринар осмон,*
*Ўзбекнинг бошидан ўргулсанг арзир,*
*Дўст учун аямас бору йўғини.*
*Юрти обрўйини*
*Достон айлаган,*
*Фидойи жонидан ўргулсанг арзир.*
*Арзир унга бағишласак юрак кўрини.*



## БОЛАМГА

*Болам дейман,*
*Болажоним,*
*Ўзинг англаб ўс.*
*Қўшиқ бўлгин,*
*Куйга айлан,*
*Сен жаранглаб ўс.*
*Аланга бўл,*
*Ёлқин бўлгин,*
*Ўзбеклигинг айт,*
*Яхшиларга яхши бўлгин,*
*Ўз неклигинг айт.*
*Қулоқ солма,*
*Уралардан келган сасларга,*
*Ўз йўлингни,*
*Ўзинг очгин,*
*Қоч нокаслардан,*
*Сирли қалпоқ*
*Кийиб юрган*
*Шайтонлардан қоч.*
*Сен минажак*
*Тулпорларнинг саси келмоқда.*
*Қишнинг эмас,*
*Яшашингни ёзи келмоқда.*
*Томирингда*
*Қонинг жўш урсин*
*Энди гупириб,*
*Юрак бутун бўлса,*
*Кўзинг тўқ бўлса,*
*Домига тортмайди ҳавойи ҳавас.*

## БУ ЮРАКДА

*Юз йил яшадик, қолмади*
*Армон бу юракда.*
*Гул очди чаман, даври-ла*
*Даврон бу юракда.*
*Бир ёнда келин, невара-ю,*
*Чевара бир тўп.*
*Йўл кўрсатамиз, сўнмади*
*Фармон бу юракда.*
*Юз йил яшадик, юз йилу*
*Юз ой яша, дермиз.*
*Юз-юзлашамиз, аҳди-ла*
*Паймон бу юракда.*
*Кўплар қариди ёшлигида*
*Нола-фиғонлаб.*
*Жой олмади ҳеч нолаю*
*Афғон бу юракда.*
*Юз йил яшадик, қолмади*
*Армон бу юракда.*
*Юлдузли чаман, боғи-ла,*
*Бўстон бу юракда.*

Футбол—миллионлар ўйини

***Футболни бежиз миллионлар ўйини дейишмайди. Мазкур спорт тури бўйича ўтказиладиган жаҳон, қитъа чемпионатлари, клублар доирасидаги халқаро турнирлар энг нуфузли мусобақалардан ҳисобланади, миллионлаб мухлислар ўзларининг севимли футболчилари ўйинидан баҳра олади. Шунингдек, Олимпиада, қитъа ўйинлари каби ўнлаб спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларда ҳам футболга алоҳида эътибор қаратилади.***

# ЯШИЛ МАЙДОНДАН–ШОҲСУПАГА

Япония билан биргаликда футбол бўйича жаҳон биринчилигига мезбонлик қилган Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида 29 сентябрь куни бошланган XIV Осиё ўйинлари давом этмоқда. 14 октябрда ниҳоясига етадиган мусобақалар тақвимидан футбол беллашувлари ҳам жой олган.

1951 йилда Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бошланган Осиё ўйинлари тарихига назар ташласак, унда 11 мамлакат вакиллари олтита спорт тури бўйича қатнашган. Ана шу олтита спорт тури орасида футбол ҳам бор эди. Финал учрашуви эса Ҳиндистон ва Эрон терма жамоалари ўртасида ўтказилди. Ўйин 1:0 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди ва ҳинд футболчилари Осиё ўйинларининг биринчи чемпионига айланишди.

Иккинчи қитъа ўйинлари 1954 йили Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ўтказилди. Унда футбол беллашувларида иштирок этаётган терма жамоаларнинг сони Ҳиндистонда ўтган мусобақага қараганда анча ортгани кузатилди. Бу галги финал учрашуви голларга анча бой бўлди. Хитойликлар Жанубий Корея футболчиларини 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тўрт йилдан сўнг Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган ўйинлар финалида яна хитойликлар жанубий кореяликларни 3:2 ҳисобида мағлуб этди.

1962 йили Индонезиянинг Жакарта шаҳрида бўлган IV Осиё ўйинларида Жанубий Корея футболчилари кетма-кет учинчи марта финалга чиқди. Омад улардан бу гал ҳам юз ўгирди. Ҳиндистонлик чарм тўп усталари Жанубий Корея футболчиларини 2:1 ҳисобида енгди. 1966 ҳамда 1970 йилларда ўтказилган қитъа ўйинларида ҳеч кимга таниш бўлмаган Бирма футболчилари ажойиб ўйин кўрсатди. Дастлаб улар эронликларни 1:0 ҳисобида доғда қолдириб, Осиё ўйинлари чемпионлигини қўлга киритди. Тўрт йилдан сўнг финалда бирмаликларнинг Жанубий Корея билан кечган ўйинида ҳисоб очилмади - 0:0. Мусобақа ташкилотчилари антиқа қарорга келиб, ҳар икки терма жамоани чемпион, деб эълон қилди. Шундай қилиб, Бирма терма жамоаси чемпионлигини сақлаб қолган бўлса, Жанубий Корея дуранг эвазига тўртинчи уринишдан сўнг шоҳсупага кўтарилди.

1974 йилги ўйинларни Теҳрон қабул қилди. Ўз майдонида ўйнаган эронликлар футбол баҳсида финалда Исроил терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

1978 йили Бангкокда ташкил этилган ўйинларда футбол бўйича яна икки терма жамоа олтин медалга лойиқ кўрилди. Корея Халқ Демократик Республикаси ва Жанубий Корея ўйинида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди - 0:0. Умуман олганда эса бу гал бир миллат - корейсларнинг иккита жамоаси ғолиб чиққанди.

1982 йилдан бошлаб араб футболчиларининг ўйини кучайди. Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўтказилган IX Осиё ўйинларида бирданига иккита араб терма жамоаси - Ироқ ва Қувайт финалда учрашди. Беллашув 1:0 ҳисобида ироқликлар фойдасига ҳал бўлди.

Агар бунгача, Жанубий Корея футболчилари беш марта финалда ўйнаб, икки марта қўш чемпионликни қўлга киритган бўлса, 1986 йили Сеулда ўтган қитъа ўйинларида Саудия Арабистони футболчиларини финалда 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, том маънода чемпионга айланди. Бу гал ғолиблик нашидасини суришда корейсларга ҳеч ким шериклик қилмади. Яна тўрт йилдан сўнг Хитойнинг Пекин шаҳрида ташкил этилган ўйинларда қўшчемпионликка умуман барҳам берилди. Финалда тўқнаш келган Эрон ва КХДР футболчилари асосий вақтда дарвозаларни ишғол қила билмади. Ўйиндан кейин ўтказилган пенальтилар сериясида эронликлар 4:1 ҳисобида устун келди.

1994 йили Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларини Ўзбекистон спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битса арзийди. Қитъанинг ана шундай нуфузли мусобақасида биринчи бор қатнашган юртдошларимиз кўплаб спорт турлари сингари футбол беллашувларида ҳам ажойиб натижаларни қўлга киритди.

Хиросимада Рустам Акромов мураббийлигида иштирок этган терма жамоамиз еттита ўйиннинг барчасида ғалаба қозонди. Қитъамизнинг ўша пайтдаги энг етакчи терма жамоалари - Саудия Арабистонини 4:1, Жанубий Кореяни 1:0 ҳисобида енгган футболчиларимиз финалда Хитой терма жамоасига қарши майдонга чиқди. Миржалол Қосимов, Игорь Шквирин, Юрий Шейкин, Илҳом Шарипов, Азамат Абдураимов, Фарҳод Магомедов каби футболчилардан иборат терма жамоамиз хитойликларни 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, XII Осиё ўйинлари чемпионлигини қўлга киритди. Бу эса ҳозирги кунгача футбол бўйича терма жамоамиз эришган энг нуфузли ютуқ сифатида тилга олинади.

1998 йили Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида ҳам ўзбекистонлик футболчилар ўзини кўрсатиши кутилганди. Хорижлик мураббий - Вега да Силва қўл остида тўп сурган футболчиларимиз дастлабки учрашувда Қувайт билан 3:3 ўйнаган бўлса, кейин Монголияни 15:0, КХДРни 4:0, Ҳиндистонни 2:0, Туркманистонни 1:0 ҳисобида доғда қолдирди. Бироқ футболчиларимизни бўлажак чемпион - Эрон терма жамоаси тўхтатиб қолди - 0:4. Эронликлар финалда Қувайт устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Энди навбат Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинларига етди. Бироқ бу гал футбол мусобақаларининг нуфузи бироз пасайгандек туюлади. Чунки Осиё футбол конфедерацияси жорий йилдан эътиборан клублар ўртасида қитъа суперлигаси мусобақасини ташкил этди ва аксига олиб суперлиганинг баъзи учрашувлари вақти билан Пусандаги мусобақалар муддати бир пайтга тўғри келиб қолди. Айрим давлат футбол федерациялари вакиллари, жумладан, ўзбекистонликларнинг суперлига ўйинлари муддатини бироз ўзгартириш тўғрисидаги талаблари қондирилмагач, асосий эътиборни ОФК томонидан нуфузлироқ, дея таъкидланган суперлига баҳсларига қаратди. Миллий терма жамоамизнинг асосий таркибини ташкил қиладиган «Пахтакор» ҳамда «Нефтчи» суперлигада қатнашаётгани боис, энди Пусанга миллий биринчиликда тўп сураётган ёш футболчилардан таркиб топган терма жамоа йўл олди.

Осиё ўйинлари тарихида бундай вазият 1962 йили кузатилган эди. Ўшанда ОФК қитъа кубоги мусобақасини ўтказган ва бу шу йилгидек, Жакартада ўтказилган Осиё ўйинлари мавқеига сезиларли таъсир қилганди. Лекин ҳозир Осиё футболи анча тараққий этган. Шунинг учун ҳам Пусанда футбол бўйича терма жамоалар ажойиб ўйин кўрсатиши тайин.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИГА – МУКОФОТЛАР

Кейинги йилларда республикамиз мактаб ва олий ўқув юртлари учун талайгина ўқув китоблари чоп этилди. Уларнинг энг яхшиларини аниқлаш ва муносиб тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Устоз» республика жамғармаси республика танловини эълон қилди.

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» деган шиор остида ўтказилган бу ижодий беллашувга якун чиқарилди. Унда 30 дан ортиқ ўқув қўлланмалари ғолиб деб топилди ҳамда совринли мукофотлар билан тақдирланди.

«Иқтисодий билим асослари», «Геометриядан масалалар тўплами», «Болалар адабиёти», «Патофизиология», «Менежмент» каби дарслик ва қўлланмалар эса танловнинг биринчи ўринли совринли мукофотларини қўлга киритдилар.

Танловда иштирок этиб, юқори баҳоланган ўндан ортиқ дарслик ва қўлланмаларга рағбатлантирувчи мукофотлар берилди.

## САККИЗ МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ГРАНТ

Ўзбекистон билан Япония ўртасида таълим соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ижобий самарасини бермоқда. Япон тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бораётгани инобатга олиниб, Тошкентдаги 295-мактабда япон тили асосларидан ўқув машғулотлари йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлди.

Шу муносабат билан Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси бу мактабга талайгина япон тили дарсликлари, кундалик сўзлашув китобчалари, энциклопедик адабиётларни тақдим этди. Шунингдек, бадиий адабиётлар ҳамда матбуот нашрлари ҳам олинади.

Мазкур билим даргоҳи Япониянинг Хичатсука шаҳридаги Сюзен номли мактаби билан алоқа боғлади. Ўзбекистонда умумий таълим мактабларини ўқув жиҳозлари билан таъминлаш лойиҳасини амалга оширишга ҳам Япония томони ўз ҳиссасини қўшиш истагини билдирди. Япония ҳукумати ҳиммати билан махсус грант ажратиладиган бўлди. Саккиз миллион АҚШ доллари миқдорига тенг бўлган бу маблағ ҳисобидан кўплаб ўқув жиҳозлари сотиб олинади.

**А. АЛИЕВ.**

Кўргазма залларида

***Замонавий санъат марказида немис ёш плакатчи рассомларининг миллатчиликка ва зўравонликка қарши, тинчликка даъват этувчи асарлари намойиш этилаётир. Кўргазма «Ўнг кучларга зарба» деб номланади. Унга қўйилган асарларнинг асосий ғоясида нацизм ҳамон ёруғ орзу-ниятларга манфур кўланкасини ташлашга уринаётгалиги ўз аксини топган.***

# ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Огоҳликка даъват ҳам бор унда. Дунёни маҳв этиш учун тўрт тарафга қўлларини чўзиб турган қора тамға кўплаб плакат-тасвирларга ҳам гўё кўчиб ўтгандек. Хусусан, бир плакатда кекса аёл Гитлернинг ерда ётган бюсти қоқ миясини темир ҳассаси билан уриб, синдираётгани тасвирланади. Бу асар олдида чуқур ўйга толасан ва Иккинчи жаҳон уруши немис халқи учун ҳам оғир фожеалар олиб келганига яна бир марта иймон келтирасан киши. Ранг тасвир усталари рассом тили билан эмас, дили билан сўзлайди. Ватанни қалбдан ифода этади, юракдан куйлайди. Бундай плакатни англамоқ учун унга кўнгил кўзи ила боқмоқ керак. Зеро, бундай плакатларни яратиш ҳар бир рассом қўлидан келавермайди.

«Ўнг кучларга зарба» плакатлар кўргазмаси — бу Германияда 90-йилларда яшаган хорижликларга нисбатан зўравонлик ҳаракатига қарши норозилик реакцияси дейиш мумкин. Бу фожеа ҳақидаги фотосурат ва телесъёмкалар бутун дунё бўйлаб намойиш этилди. Ёшларнинг кичик гуруҳи томонидан кутилмаганда шиддат билан содир этилган жиноятлар дарҳол даҳшатли кўриниш олганлиги ҳали ёдимиздан кўтарилганича йўқ. Германиядаги ўз хавфсизлигидан ҳавотирлана бошлаган хорижликларда ишончсизлик уйғонгани ҳам бор гап. Бу каби воқеалар ҳокимият ва давлат бошқаруви ўнг радикал партиялар қўлида бўлган Европадаги бошқа давлатларда ҳам содир этилган. Ўша пайтда вазият қўлдан чиқаёзганини яна бир бор ёдга солади.

Бу фожеалар кўргазмада воситалар орқали акс эттирилади. Плакат муаллифларининг таъкидлашича, жамият хавфсизлигини англаб етишда санъат ҳиссасини қадрламаслик мумкин эмас. Плакатлар салб ҳаракатига қарши даъват сифатида ғоят муҳим ва бу катта жасорат намойишидир.

Тинчлик, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик кўргазманинг асосий ғоясини ташкил этади. Велкер Шмиедел «Қачон ҳақ-ҳуқуқли бўламиз?» плакатида ўз фикрини ёш бола қиёфасида акс эттиришга ҳаракат қилади. Боладаги хоҳиш, умидли боқишлар тинчликнинг нақадар буюк неъмат эканлигига ишора этилади. Себастиан Шмитнинг «Ҳар куни сабрдамиз!» асарида бу фикр яна кучли моҳият касб этади. Клавдиа Силлнинг плакати ҳам чуқур маънолидир. Маданият қуёши тимсолида болалар қиёфаси тасвири ҳаёт рамзи, яшаш тимсоли сифатида берилган. «Бир қадам ҳам нари юрилмайди», «Дастурхонда бари танаввул қилинади», «Нацистнинг шакли»,«Гап сен ҳақингда» плакатлари ҳам мазмуни жиҳатдан шум ниятлилардан огоҳ бўлишга чақиради.

Маркус Браншнинг «Ўнг куч қурбонлари», Хавизр Балестернинг «Реакцион кучларга қарши кўпроқ ранг» каби плакатларида тинчлик акс этса, Хаке Хеертеннинг «Нафрат», Беате Камескенинг «Инсон, инсонлигингча қол!» каби ўнлаб плакатларида эса ўзаро дўстлик, биродарликка даъват этилади.

Ва ниҳоят, «Эсон-омон» деб номланган асарда тинчлик кабутарлари орқали осойишта ҳаёт, тинчлик тараннум этилади. Ёрқин рангларда ифода этилган бу плакат томошабин руҳиятини кўтариб юборади. Дунёнинг омонлиги дўстлик ва ўзаро ҳамкорликда эканлигига мусаввирлар томошабинни тўла ишонтиришади. Бу эса дунёнинг асл моҳиятидир.

**Маҳмуд Рамазон АҲМАДИЙ,**
**санъатшунос.**

## КУЧЛИЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

Самарқандда ўтказилган теннис бўйича халқаро «Челленжер» турнири ниҳоясига етди. Қарийб бир ҳафта давом этган беллашувда жаҳоннинг 20 га яқин давлатидан келган кучли теннисчилар ўзаро куч синашди.

Якка тартибдаги финал баҳсларида грециялик Василис Мазаракис голландиялик Жон Ван Лоттом устидан ғалаба қозониб, бош соврин соҳиби бўлди. Жуфтликлар баҳсида ўзбекистонлик Олег Огородов ва Вадим Куценко жуфтлиги аргентиналик Фидерико Браун ва голландиялик Роджер Бассен жуфтлигига қарши кортга тушиб, имкониятни қўлдан бой берди.

Ғолибларга мусобақа ташкилотчилари ҳамда ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.



## МАДИНА - ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида биринчи Тошкент халқаро болалар расмлари танлови якунланди. Бу танловнинг мақсади - бадиий ижодиётни янада ривожлантириш, Ўзбекистон болаларининг бошқа мамлакатлардаги тенгдошлари билан халқаро мулоқотини ўрнатишга кўмаклашишдир. Шунингдек, танлов ёш истеъдодларни аниқлаш, давлатимиз ёш фуқароларида тарихга, мамлакатимизнинг маънавий меросига, унинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнига қизиқишини оширишга қаратилган.

Таклиф этилган «Онажоним ва мен» мавзусидаги танловга дунёнинг 26 давлатидан 3 мингдан ортиқ расм келиб тушди. Ҳайъат қарорига кўра мазкур халқаро танлов гран-присига ҳамюртимиз тошкентлик 13 ёшли Мадина Содиқова лойиқ деб топилди. Япониялик Юка Вакабаши (8 ёш), мисрлик Али Пасанте (12 ёш), ҳиндистонлик Аникет Саеваде (13 ёш) расмлари учта ёш гуруҳи бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

**(ЎзА).**

Саломатлик — туман бойлик

# МЕНИНГОКОККДАН САҚЛАНИНГ

***Менингококк касаллиги - ўткир юқумли хасталиклардан бири. Унинг оғир кечадиган шакллари кўпинча ўлим билан тугайди.***

***Бу касалликни бактериялар қўзғатади. Улар думалоқ шаклли бўлиб, ташқи муҳитда ультрабинафша нурлар таъсирида қуритилганда, тезда ҳалок бўлади. Дезмоддаларга жуда ҳам чидамсиз, лекин, сульфаниламид препаратларига анча бардошли. Касаллик манбаи бемор ёки бактерия ташувчилар бўлиб, одамларга ҳаво йўли билан гаплашаётганда, йўтал ва аксирганда юқиши мумкин.***

Касаллик юққандан то биринчи белгилари пайдо бўлгунча, 2 кундан 10 кунгача вақт ўтиши мумкин. Асосан 3 ёшгача бўлган болалар кўпроқ касалланиб, улар умумий беморлар сонининг 70-80 фоизини ташкил этади. Хоналарда намлик юқори бўлса, санитария - гигиена қоидалари бузилса, хасталик тарқалишига қулай шароит туғилади.

Менингококкли менингит касаллиги тўсатдан тана ҳароратининг 39 даражага кўтарилиши, кучли бош оғриғи, қусиш билан бошланади. Танада тошмалар пайдо бўлади. Бундай белгилар кўринганда дарҳол уйга врач чақириш лозим. Беморни алоҳида жойга ётқизиб, бошқа хоналарни шамоллатиш, нам латта билан тозалаш керак. Бемор билан мулоқотда бўлганлар тиббий назорат остида бўлади ва 10 кунгача саломатлиги ҳақида маълумот олиб турилади, ЛОР врач кўригидан ўтказилиб, менингококк микробини аниқлаш мақсадида томоғидан, бурнидан бактериологик текширув учун суртмалар олинади.

Ушбу касалликнинг олдини олиш учун қуйидагиларга, яъни :

Яшаш хоналарини, синфларни, аудиторияларни, кино залларини тез-тез шамоллатиб, нам латта билан тозалаб туриш ;

Катталар ва бошқалар об-ҳавога қараб кийинишлари, жисмоний тарбия билан шуғулланишлари, таналарини чиниқтиришлари лозим.

Овқатланиш жараёнида кўпроқ витаминли таомлар, яъни қизил сабзи, карам, қизил лавлаги, петрушка, сельдерей, наъматак дамламаси ва ҳакозолар истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

**К.ХОЛМАТОВ,**
**Миробод туман ДСЭНМ шифокори.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.55

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 9730 Буюртма Г— 919. 1 2 3 4 5 6